

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 174 (10.227)

2004 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА Сўзларда

● **БЕКТЕМИР** туманидаги Геннадий Красницкий номи стадионда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамкорликларида тумандаги корхона-ташқилотлар вакиллари иштирокида халқ сайли ўтказилди, спорт мусобақалари уюштирилди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 23-Меҳрибонлик уйида шoirлар, адиблар иштирокида адабий кеча уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эсдалик совғалари топширилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Хайрибод» маҳалласи ҳудудида бўрсилдоқ ионлар тайёрлашга мўлжалланган янги нон цехи фойдаланиш бошлади.

● **«ОРИГОНАЛ»** салони мижозлари сонини кўпайтириш мақсадида арзон нархли хизмат турларини жорий этди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида хашар йўли билан бунёд этилган гузарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **МЕХР** ва муравват йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳаллада уюштирилган хайрия тadbирини фаол аёллар иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Осиё чемпионати-2004

### ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Спорт ишқибозларининг бутун диққат-эътибори шу кунларда пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази»да бўлиб ўтган теннис бўйича Осиё чемпионатида қаратилгани сир эмас.

Кечаги беллашувларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилги чемпионат голиби ҳамюртимиз Вадим Куценко билан қозғонистонлик Диас Дошқараев ўртасида кечган мurosасиз бахши кунинг қизғинлиги уйинларидан бири деб таъкидлаш мумкин. Мазкур учрашувда дастлаб кўшни давлат вакили катта қийинчилик билан 6/4 ҳисобида китъа чемпионидан устун келган бўлса, иккинчи ва учинчи сетларда 6/3 ва 6/2 натижалари билан зафар қўчган Вадим ўз мухислари

ҳамда барча томошабинларни ўз уйини билан лол қолдирди. У ҳисобда олдинда бораётиб, хотиржамликка йўл қўймаддан сўнгги сониягача кураш олиб боргани, айниқса учинчи сетнинг иккинчи геймида намойён бўлди.

Яккалик бахсларида теннисчи кизларимиздан Оқул Омонмуродова тайпейлик Чиа-Джунг Чунгга мағлубиятга учраганини қуйидагича изоҳлади: «Мен кечагина Самарқандда бўлиб ўтган Универсиада мусобақаларидан қайтиб келдим. Бу

йил ИТФ йўналиши бўйича Ҳиндистонда бўлиб ўтган турнирда ёмирида уйнаганим боис касал бўлиб қолдим. У ердан қайтган, Универсиадада иштирок этдим. Очигини айтиш керак, Самарқандда иштирок этган теннисчиларнинг маҳорат даражасини китъа чемпионатдагиларини билан қўйсала бўлмайди. Ушбу турнирнинг илк даврасидаёқ таниқли теннисчига қарши корта чикдим. Эндилгида, «Тошкент опен» турнирида иштирок этишни олдимга мақсад қилиб қўйганман».

Бундан хам кизикроқ беллашувлар кўпмоқда. Турнирнинг энг кучли теннисчилари деб ҳисобланаётган Алексей Кеджроқ ва ҳамюртимиз Вадим Куценко ҳамда ишончли вакиллариимиз Оқул Омонмуродова ва Ивана Исроиловалар жуфтликда мусобақаларни давом эттиришлар.


Баҳодир АЗИЗОВ



Бунёдкорлар орасида гишт терувчиларнинг ўзига хос ўрни бор. Уларнинг меҳнати алоҳида маҳоратни, кунт ва чидамни талаб этади.

Ана шундай ҳунар соҳибларидан бири ёш қурувчи Фахриддин Ташанов бир неча йилдирки, пойтахтимиздаги «12-трест» акциядорлик жамиятининг 65-қурилиш бошқармасида ўз касбини эъозлаб келади. У ўз бригада аъзолари билан ҳамжиҳатликда шахримиздаги кўплаб қурилиш майдонларида меҳнат қилиб, замонавий ва қўрқам биноларнинг қад ростлашига муносиб ҳисса қўшаётганлардан.

**СУРАТЛАРДА:** бунёдкорлар томонидан қад ростлаган турар жой биноси; гишт териш устаси Фахриддин Ташанов.



Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«Bumi International Tashkent» меҳмонхонасида мамлакатимиз корхоналари, ташқилотлари, тadbirkорлик тузилмалари вакиллари ҳамда Россия Федерацияси Урал минтақаси Савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари ўртасида мулоқот биржаси бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатаси ташкил этди.

Делегация таркибида Россиянинг Урал минтақасидаги ўн тўққизта етакчи корхона раҳбарлари ва вакиллари бор. Булар нефт-газ, кимё, мудофаа, металлургия саноати, энергетика, машинасозлик, қайта ишлаш ва тайёрлов, тиббиёт, геодезия, электромеханика тармоғи, асбобсозлик корхоналаридир.

Бу галги учрашув иккинчи бўлди. Биринчи учрашув 2001 йил сентябрда ўтказилиб, унда Урал ва Ўзбекистон тadbirkорлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди.

Алоқа биржасидан ташқари делегация аъзолари учун вазириликлар, идоралар, республикамизнинг йирик корхона ва компаниялари ходимлари билан учрашувлар ташкил этилди. Бундай амалий таширфилар хоржий ҳамкорлар ва сармоядорлар билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқишига таъсир кўрсатади.

Ў.А.

Ҳозирда ГФРда тўрт мингга яқин фуқароларимиз иқтисодий турли тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллик кунини байрами арафасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германияда доимий истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Тadbирда улар мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар билан яқиндан танишдилар.

## GERMANYADA “ДЎСТЛИК” ЖАМИЯТИ

Учрашувда юртдошларимиз икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, республикамизга сармоя ва янги технологиялар оқимини жалб этиш, бугунги Ўзбекистон ҳаёти билан ГФР жамоатчилигини кенгроқ таништириш мақсадида Германияда ватандошлар — «Дўстлик» жамиятини тузиш гоёсини илгари сурдилар.

— Ўзбекистон халқини Мустақиллик кунини байрами билан табриклайман, — деди «Алекс» сайёҳлик компаниясининг раҳбари Алексей Чернявский. — Ўзбекистондаги шерикларимиз билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, у муваффақият билан ривожланмоқда. Германияда республикамизга бўлган кизик қиш тобора ортиб бормоқда. Ватандошлар — «Дўстлик» жамиятини таъсис этилиши, икки мамлакат маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашувида жуда муҳим деб ўйлайман.

Аслам АКБАРОВ,  
«Жаҳон» АА  
Берлин

## XXI саҳоси

Барча малбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкентда «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти учун ногиронлик масалалари бўйича ахборот манбалари тармоғи» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Ногиронлик масалалари ва маълумотлар» мавзусидаги халқаро анжуманда Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, хоржий давлатлар мутахассислари иштирок этди.

● Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Зангиота, Қибрай, Тошкент туманлари ҳудудида 23,2 чакирим масофага тортилган газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

● Жанубий қораялик шифокорлар Бухоро туманидаги Зарнамак кишлоғи аҳолисини тиббий текширувдан ўтказди. Улар беғараз ёрдам сифатида вилоят шифонасига замонавий тиш даволаш ускунасини топширишди.

● Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони «Осиё траст» ва «Имкон» номи янги ташқилотлар ҳисобига янада кўпайди.

● Навоий шахрида «Тўй-ҳашамлар маркази» иш бошлади. Уни ташкил этишдан мақсад тўй-ҳашам, матрха ва маросимларни ихчамлаштириш ва камҳараж ўтказишни таъминлашдан иборат.

● Бағдод туманида мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган «Шарқ неъматлари» Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси иш бошлади.

● Нукус шахридаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини барча қулайликларга эга замонавий мактаб биносида қаршиладилар.

### Жаҳонда

● Афғонистонда Президент сайловлари жараёни бошланганлиги расман эълон қилинди. Ушбу сиёсий тadbир 9 октябрда бўлиб ўтади. Парламент учун сайловлар эса 2005 йил апрель ойига белгиланди.

● Буюк Британияда ўтказилган статистик тadbқиқ натижаларига кўра мамлакатнинг кўпчилиги аҳолиси АҚШ Президентлигига сайловларда демократ Жон Керрининг голиб қиқшини исташар экан.

● Францияда ҳукуматнинг маъсуус йилгилиги ўтказилиб, унда Ироқда асирга олинган француз журналистларини озод этиш йўллари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Руминия парламенти сайлов тўғрисидаги қонунга ўзгаришларни маълумлади. Унга кўра Президент Ион Илиескуга ўз ваколатлари мuddати тугаганидан сўнг Руминия парламенти депутатлигига номзодини қўйишга рухсат берилди.

● Японияда юз берган «Сонгда» тўфонлари натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони 18 кишига етди, 20 нафар денгизчи эса бедарак йўқолган.

*Иқтисодий*

**СИФАТЛИ,  
АРЗОН,  
ХУШТАЪМ...**

Чиройли, бежирим қадоқланган маҳсулотлар харидорлар эътиборини ўзига тортиши табиий, албатта. Айниқса, улар сифатли, хуштаъм, бунинг устига нисбатан арзон бўлса нур устига аъло нур.

Акмал Икромов туманида ўтган йили иш бошлаган «МАКВОИЛ» маъсуляти чекланган жамияти жамоаси бугунги кунга келиб, 10 хилдан ортиқ хушхўр макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариб аҳолига тортиқ қилмоқда.

Маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланган ҳолда жаҳонда етакчи ҳисобланган «Моуапел» савдо белгиси билан турли хажмларда қадоқланаётган —300, 400 граммли, 1 килограммли ҳамда 1.300 граммли чиройли пакетлардаги макаронлар аллақачон нафақат пойтахтликлар, балки республика бўйлаб харидорларини толган.

— Сифатга асосий эътибор қаратмоқдамиз, — дейди «МАКВОИЛ» маъсуляти чекланган жамияти директори Сергей Бачурин. Шу боис ҳам цехларимизга Италиядан келтирилган замонавий, юксак унумли технологиялар ўрнатганмиз. Улар ёрдамида харидорбдор маҳсулотлар — ваакуумли макаронлар ишлаб чиқармоқдамиз. Шунингдек, қўшимча, ёрдамчи ускуналар, автомат-куртигичлар ишчиларимизнинг яқин кўмакчиларига айланган.

Мазкур корхона тадбиркорларнинг изланишлари, ички бозоримизни чуқур ўрганишлари асосида бугунги кунга келиб бюортмачилар сафи ортиб бормоқда. Масалан, шахримизнинг ўзида корхона 80 дан ортиқ йирик савдо нуқталари, шунингдек, Бухоро, Андижон, Қўқон, Қарши, Наманган каби вилоятларда доимий миқозларига эгаллиги қувонарли ҳол.

**КЎРКАМЛИК  
БАХШ ЭТАДИ**

Азалдан бунёдкорлик ривожланган юртимизда кейинги йилларда хорижийдан қолтирмайдиган сифатли, кўркам, чидамли, мустаҳкам қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилмоқда.

2003 йилдан ўз фаолиятини бошлаган «AND-POLIC» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ички бозоримиздан ўз ўрнини топа бошлади. «ALCOPON» — юқори сифатли алюмин-пластикдан тайёрланган композитли панеллар жаҳон талабларига тўла жавоб беради.

Немис технологияси асосида тайёрланаётган қурилиш ашёлари ҳар қандай об-ҳаво инжиқликларига чидамли ҳамда ўрнатилганда жуда қулай. Асосийси, жамоа аҳли 1 йилда 432000-550000 квадрат метр, узунлиги 2440 миллиметрли панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга.

**Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда халқаро илмий ва сиёсий доиралар вакиллари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган натижаларга ўз ҳолларини бермоқда. Хусусан, «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири Вашингтонда АҚШнинг етакчи илмий муассасаларидан бири ҳисобланган Жон Ҳопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори, таниқли олим Фредерик СТАР билан учрашиб, унинг бу борадаги фикрлари билан қизикди.

**Фредерик СТАР:  
«ЎЗБЕКИСТОН ЖИДДИЙ ҚАРАШЛАРГА  
ЭГА ЖИДДИЙ МАМЛАКАТ»**

— Жаноб Стар, шу кунларда Ўзбекистон халқий мамлакат мустақиллигининг 13 йиллигини кенг тантана қилмоқда. Албатта, бу тарих учун киска фурсат. Шунга қарамадан, амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга боха бериш имконияти мавжуд. Марказий Осиё бўйича йирик халқаро мутахассислардан бири сифатида Ўзбекистоннинг ўн уч йиллик тараққиёт йўлига қандай баҳо берасиз?

— Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган ўн уч йил давомида Ўзбекистон йирик ишларни амалга оширди. Бир қатор омиллари санаб ўтиш мумкин: Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз чегаралари дахлсизлигини таъминлай олди. Бугун мамлакат сарҳадлари қучли ҳимояга эга. Мамлакатга йирик ҳажмдаги хорижий сармоялар кириб келди. Айни вақтда Ўзбекистон иқтисодийнинг турли жабҳаларида барқарор ўсиш кузатишмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакат минтақада ва халқаро майдонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг яқин тараққиётга хизмат қилувчи йирик ғояларнинг ташаббускоридир. Фикримнинг исботи учун минтақа сиёсий ҳаётидаги сўнгги воқеалардан мисол келтирамиз: шу йилнинг май ойида Остонада (Қозоғистон) Марказий Осиё раҳбарларининг учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиёда ягона бозор яратиш ғоясини илгари сурди. Бу бениҳоя ижобий ва муҳим қадамдир. Минтақа дэвлатлари, хорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ бу ғояни амалиётга тадбиқ этишга жиддий эътибор қаратмоғи лозим, деб ўйлайман.

— Терроризм музвуси тилга олинган айни фурсат бора бу муаммо борасида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон терроризм нима эканини фақат сўзда эмас, ҳаётий тажрибада яқин билади. Саволга лўнда жавоб шуки, Ўзбекистон терроризм муаммосига ўз вақтида жиддий ёндаша билди ва бу борада изчиллик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу нафақат мамлакат, балки минтақа хавфсизлиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон АҚШ учун мазкур муаммога қарши курашдаги ишончли ҳамкордир. Яқинда Тошкентда амалга оширилган террор-

чилик жиноятлари хусусида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтсам.

Таъкидлаш кераки, бугунги дунёда ҳамма нарса бир-бири билан боғланган. Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини амалга оширган кучлар билан Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёдаги террорчи ташкилотлар ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳам бор гап. Ташқаридан келаётган моддий ва ғоявий озука Марказий Осиёдаги террорчи гуруҳларни рабатлантирмоқда.

Фикримча, халқаро ҳамжамият Марказий Осиё хавфсизлигига даҳл қилаётган «Хизб-ут-таҳрир» ва шу каби кучлар таҳдидини яқин англанган ҳолда мазкур муаммога етарлича эътибор қаратмоғи лозим.

Умуман, сўнгги вақтларда бир ҳолларни кузатиш мумкинки, «Хизб-ут-таҳрир»нинг тинчликсевар ҳаракат экани ҳақидаги иллюзиялар тобора камайиб борапти. Бу ҳаракат бир касалликка ўхшайди. Унга қарши зарур чора-тадбирларни кўриш керак.

— Минтақа хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг роли яна нималарга кўринади?

— Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатлари наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳам яққол кўзга ташланади.

Афғонистонда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган наркотиклар нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки дунё мамлакатлари учун йирик муаммолардан биридир.

Ўзбекистон мазкур муаммони бартараф этишда бошқа мамлакатлар, барча тегишли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Марказий Осиёда наркотиклар муаммоси ҳақида гапирганда, бир омилга эътибор қаратиш керак: «маҳсулот»нинг деярли юз фоизи Европа мамлакатларига келиб тушади. Яъни, маҳсулот учун истеъмол бозори бор. Шунинг учун Европа Иттифоқи мамлакатлари мазкур муаммони бартараф этишда масаланинг айни шу жиҳатини инобатга олиб, Марказий Осиёда наркотикларга қарши курашга кўпроқ эътибор қаратмоғи, керак бўлса, зарур молиявий ёрдам кўрсатмоғи лозим, деб ўйлайман.

**Фарход АРЗИЕВ  
«Жаҳон» АА.**

ЎЗА

**ПОЛИГРАФИЯ  
МАҲСУЛОТЛАРИ  
КЎРГАЗМАСИ**


Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да полиграфия маҳсулотларининг кўргазмаси очилди. Унда «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», «Фафур Фулом», «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», Чўлпон каби давлат нашриётлари ҳамда «Голден Пейжес», «Берег», «Лисов», «Сван», «Триниту», «Полимак» сингари хусусий фирмаларнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

— Фирмамиз ўз фаолиятини бошлаганига энди бир йил бўлди, — деди «Асара» хусусий фирмаси раҳбари Анвар Исмоилов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — У асосан полиграфия йўли билан қадоқлаш ва тўқимачилик материалларига турли хил тасвирлар, хонандаларнинг суратларини тушириш билан шуғулланади.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши эндигина ўз фаолиятини бошлаган фирмаларга ўзини танитиш имконини беради.

Кўргазмага нафақат қоғоз маҳсулотлари, балки уни ишлаб чиқарувчи ускуналар ҳам тақдим этилган. Жумладан, Буюк Британия «Йан ин-тернейшл» фирмасининг Алматыдаги бўлими айнан ана шундай техник ускуналарни намойиш этмоқда. Мазкур фирма асосан хом ашё тайёрловчи ускуналар савдоси билан шуғулланади. Бу галги кўргазмага фирма томонидан Италиянинг катта ҳажмдаги маҳсулотларни қадоқловчи ускуналари тақдим этилган. Шунингдек, фирма ўз фаолияти давомида «Шарк» матбаа-концерни, «Тоштелеграф комбинати» билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

— Бундай тақдимотларни ўтказишдан мақсад, — деди «Ўзбекистон нашриёт матбаа-ижодий уйи»нинг бош дизайнери Обид Соибназаров, — полиграфияда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, эришилаётган ютуқларни ҳавола этишдан иборат. Нашриётимиз сиёсий нашр бўлгани учун



биринчи навбатда сиёсий адабиётлар, болалар китоблари, ҳатто канцелярия моллари билан кўргазмада иштирок этаёلمиз.

**Забарҳад БОБОЖОНОВА  
«Туркистон-пресс»  
СУРАТЛАРДА: «Ўзэкспомарказ»даги полиграфия маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎЗА)  
олган суратлар.**



**Санъат**

**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАВЗУСИДА**

Халқлар дўстлиги мавзу-си истеъдодли кинорежис-сёр Аброр Қосимов ижодида ўзига хос ўрин тутди. Режиссёрнинг юртимизда истиқомат қилувчи халқлар ўртасида қарор толган яқин биродарлик алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи навбатдаги фильми ҳам ўйлаймики, томошабинлар-га манзур бўлади.

Санъаткорнинг янги бадиий фильми «Қашкар гўзали» деб номланди. Икки қисмдан иборат маъруз экран асарининг кўп лавҳалари суратга олинди.

«Қашкар гўзали» да кўзга кўринган ўзбек ва уйғур актёр-лари асосий ролларни ижро этишмоқда.

**КЎРИК-ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБИ**

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти бу йил битирган талабалар томонидан қатор диплом спектакллари тайёрланди. Улар устозлар, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

«Кузнинг биринчи кун» деб номланган постановка эса айниқса, яхши кўтиб олинди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков асари асосида сахналаштирилган бу постановкада ёшлар тарбияси, уларнинг илм олишга интилиши каби мавзу ўзининг сахнавий талқинини топди.

Шуниси муҳими, ушбу постановка олий ўқув юртида ўтказилган талаба ёшлар кўрик-фестивалида ҳам муваффақият қозонди.

**Транспорт**

**«СПЕКТР» ТРАМВАЙЛАРИГА БУЮРТМА**

Россия Федерациясининг «Уралтрансмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий электр транспорти ву-ситалари халқроқ доирада яхши баҳоланмоқда.

«Спектр» деб номланган трамвай вагонлари қулайлиги ва дизайн безаклари билан ҳам ажралиб туради. Шу сабабли ҳам улар кўплаб йўловчилар эътиборини ўзига тортмоқда.

Эндиликда бу хил вагонлар Тошкент аҳолисининг узогини яқин қиладиган бўлди. Шу режа-ни амалга ошириш мақсади-да «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси делегацияси Екатеринбург шаҳрига сафар уюштириб, «Уралтрансмаш» заводида музокара олиб борди.

Шу мулоқот чоғида улар корхонанинг «Спектр» 72402» русумли трамвай вагонлари билан атрофлича танишдилар.

Замонавий электр транспор-тининг бу янги авлоди намуна-лари Тошкентда тажриба-наму-на синовидадан яхши ўтган, улар-нинг бир нечтаси пойтахтимиз-га келтирилади.

Делегациянинг Уфа шаҳрига қилган сафари ҳам қутилган на-тижани берди. «Бошқирд трол-лейбус заводи» корхонасида ишлаб чиқарилаётган троллей-буслар ҳам ўзбек мутахассисла-ри эътиборини ўзига тортди. Узаро келишувга биноан улар-дан бир нечтаси республикамиз пойтахтига жўнатилади.

Акбар АЛИЕВ

**Мустақиллик медалари**

**ШИНАМ ГУЗАР ҚАД РОСТАДИ**

Шаҳримизда кейинги пайтларда кўплаб замонавий ва ши-нам гузарларнинг қад ростлаши маҳаллаларга давлатимиз то-монидан қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Юртимиз узра Мустақил-лик байрамининг шодиёна-лари кезаётган қутлуг кун-ларда Шайхонтоҳур тумани-даги энг кўхна гўшалардан бири — «Сузук ота» маҳал-ласида ҳам замонавий гузар қад ростлади.

— Бир ярим ой ичида жуда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати, шаҳар ва туман ҳо ким ли ги . Қаҳрамон Очилов бошчилигидаги «Интеран-сервис» масъуляти чек-ланган жамияти-нинг хайрихоҳли-ги ва ёрдами би-лан ушбу сўлим қошона бунёд этилди.

— дейди маҳалла котиби Аб-дурашид Абдувалиев. — Унда барча қулайликлар мавжуд. Яъни, маҳалла оқсоқоли, котиб, хотин-қиз-лар комиссияси раисаси фа-олият юритадиган, ўқув ма-шғулотлари ўтадиган алоҳи-да хоналар замонавий жи-ҳозланган. Гузаримиз ёнида озиқ-овқат маҳсулотлари со-тиладиган дўкон ҳам ишга тушди. Маҳалламиз худуди-да яна болажонлар учун спорт комплекси қурилиши кетмоқда. Маҳалладошлар эса ушбу қурилишларда ба-жонидил иштирок этиш-моқда. «Хашар» сўзининг қанчалик улуг эканлигини ободончилик, бунёдкорлик юмушларида бемалол кўриш мумкин.

— Қадимий ва файзли

«Сузук ота» маҳалласида ҳам катта қурилишлар амалга оширилиб, уй-жой-лар, гузар, чойхона, дўкон-ларнинг замонавий қиёфа касб этиши барча маҳалла-дошларни мамнун қилмоқ-да, — дейди биз билан суҳ-



батда маҳалла фа-оли Асқар ҳожи Обидов. — Биз турган жойлар азиз авлиёлар ўтган муқаддас масканлардан бири. Бу ерда Хужа Аҳмад Яссавийнинг қизлари Гаўҳари Хуштож ва кўёв-лари Аҳмад ал-Қорачўғий шайхнинг кенжа фарзандлари, башорат со-ҳиби, ҳунармандларнинг пири муршиди Мустафоқул (Сузук ота) таваллуд топ-ганлар ва яшаганлар (1140-1217). Шундай экан буюк боболаримизнинг ҳоқи по-клари ётган муқаддас қаламжоларнинг обод эти-лиши уларга бўлган иззат-икромимизнинг ифодаси-




дир. — Маҳалламизда 3712 на-фар аҳоли, 690 та оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ме-лис Абдусаломов. — Имкон қадар ободончилик, бунёд-корлик юмушлари-ни амалга ошириш-га, кам таъминлан-ган, боқувчисини йўқотган, ногирон,

анчагина қулайлик яратди. Бежиримгина бўлиб қад ростлаган бу дўконнинг муди-ри Абдусамд Ғаниев билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдики, хусусий тадбир-корнинг эзгу мақсади элу юртга озгина бўлсада фой-даси тегиб, уларнинг оғири-ни енгиб қилиш экан.

— Маҳалладошларга си-фатли ва намунали хизмат кўрсатишни, уларга маъжул келадиган ва керакли маҳ-сулотларни вақтида келти-ришни асосий вази-фамиз деб биламиз, — дейди Абдусамд ака.

«Яхши ният—ярим давлат», деб бежизга айтилмаган. Биз «Су-зук ота» маҳалласида бўлиб хоҳ катта, хоҳ ёш билан суҳбатла-шар эканмиз барча-ларининг қалбида ях-шилик, эзгулик каби юмушларга камарба-ста бўлиш ҳислари уриб турганлигини кўрдик. Истардикки ушбу кўхна ма-ҳаллада режаланган барча хайрли юмушлар амалга ошсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: маҳалланинг ирурий отахонлари; «Сузук ота» маҳалласида қад ростла-ган гузар; озиқ-овқат дўкони. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



кекса, кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам беришга, озгина бўлсада моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қил-моқдамиз. Айниқса бундай савобли юмушлар Меҳр ва мурувват йилида кўплаб амалга оширилмоқда. Маҳалла худудида озиқ-овқат дўконининг ишга ту-шиши ҳам маҳалла аҳлига

Республика шопилинч тиббий ёрдам илмий марказида Жанубий кореялик ва ўзбекистонлик мутахассислар томонидан туғма танглай ва кўкрак қафасида нуқсонли бор ўн саккиз нафар болага жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

**ШИФОКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ**

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар сўнгги йиллар-да янада ривожланмоқда. Айниқ-са, Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ҳамкорлик ўз самара-сини бермоқда. Бунга ҳамкорлик келишуви асосида юрагида туғма нуқсонли тўрт нафар ўзбекистон-лик болаларнинг Жанубий Корея-даги ихтисослашган тиббий мар-казларда мураккаб жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволаниб қайтганлиги яққол мисол бўла о-лади.

Жанубий кореялик мутахассис-лар «Меҳр ва мурувват йили» да яна 20 нафар туғма нуқсонли ўзбе-кистонлик болаларга жарроҳлик амалиётларини маҳаллий мутахас-сислар билан биргаликда бепул ўтказиш истагини билдиришганди. Бу таклиф Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Шу йилнинг

август ойида Сеул Миллий универ-ситети Бунданг шифохонаси кўкрак қафас ва юрак-томир жар-роҳлиги, пластик жарроҳлик бўйи-ча беш нафар мутахассис (профес-сор Сук Ван Сунг, Кёнг Мин Рю, Хуан Вук Жанг, Ронг Мин Бек, Мюнг Кук Ким) икки нафар ане-стезиолог реаниматолог ва уч на-фар жарроҳлик ҳамширалари Ўзбе-кистонга келишди. Улар Респу-блика шопилинч тиббий ёрдам ил-мий марказида маҳаллий мутахас-сислар томонидан туғма танглай ва кўкрак қафасида нуқсонли бор ўн саккиз нафар болага жарроҳ-лик амалиёти кўрсатишди. У му-ваффақиятли ўтди.

Жанубий кореялик мутахассис-лар ушбу ҳамкорликни давом эт-тириш мақсадида мураккаб жар-роҳлик амалиётларига муҳтож бо-лаларни даволаш дастурини ҳар йили ўтказиш истагини билдириш-ди.

**«БАХТ — ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИШДА»**

Эстетика ва косметология халқаро кўмитаси (СИДЕСКО) ташаббуси билан 9 сентябрь — Жа-ҳон гўзаллик кунин деб эълон қилинган.

Мана тўққиз йилдири ушбу кун дунёнинг кўпгина давлатларида байрамона руҳда ни-шонланади. Байрам доирасида «Гўзаллик дун-ёни кутқаради» шиори остида катта тан-ловлар тарзида ўтказилади. Маълумотларга кўра, Псков шаҳри аҳолиси жорий йилда илк бор «Гўзаллик кунини» кўтаринки руҳда ни-шонлайди. Аҳоли шу кунни турли пардоз-ан-доз фирмаларининг маҳсулотлари кўрғазма-сини томоша қилиб, тажрибали косметолог-лардан бепул маслаҳат олиш имконига эга бўлади. Шунингдек, болалар учун «Гўзал шаҳрим — шаҳрим келажаги» танлови ҳамда «Гўзаллик ва озодалик манзиллари» тадбири ташкил қилинади.

Шу кунг Рссиянинг турли шаҳарларида дид, услуб ва муомала маданияти анжуман-лари ўтказилади. Шу ўринда ҳақли бир са-вол туғилади: биз бу кунни қандай қарши оламиз?

Хусн ва малоҳат катта кучга эга. Биноба-рин буюк инглиз ёзувчиси Оскар Уайлд айт-ганидай: «Чинакам бахтга эришишнинг сири — гўзалликка интилишда». Аммо гўзалликка нафақат интилиш, балки уни қадрлаш, ҳис эта билиш ҳам лозим.

«Туркистон-пресс»

Ҳиссондорларимиз

Эрталаб ишга отланар экансиз, тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш билан бирга озода ва батартиб кўча ва бекатларни кўриб дилингиз бахра олади. Йўл ва йўлақлар, шохкўчаларга чирой бахш этаётган гулларни айтмайсизми! Улар кўзингизни қувнатиб, қалбингизни яйратади. Бу ишларнинг барчасини кўнгилдагидек адо этишда эса ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИ

Шу боисдан ҳам Кундуз Юсупова шахримиз саранжом-саришталлигига, чиройига ҳисса қўшаётганлар орасида меҳнат қилаётганидан, инсонлар кайфиятини кўтариб, уларга кўтаринки руҳ бағишлаётганидан бениҳоя фахрланади. Пойтахтимиздаги Мирзо Улугбек тумани ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Кундуз Юсупованинг меҳнатлари кўни кеча муносиб баҳосини олди. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги шодёнлари арафасида мукофотланган сафида у ҳам «Шухрат» медали соҳиби бўлди. Кизлар одатда ёшлигидан

саранжомликка, гўзалликка ошуфта бўлишади. Кундузой ҳам худди ана шундайлар тоифасидан бўлиб, ҳовлию кўчаларни озода сақлашни, гуллар ўтказишни хуш кўрарди. Эҳтимол, ана шу меҳр уни ободонлаштириш бошқармасига ишлашга ундагандир. Утган 18 йил давомида эса у оддий ишчи уста, бригадир бўлиб фаолият юритди. Хар қандай шароитда ҳам вазифасини сидқидилдан ундалади. Ўзига бир-қитилган кўчаю хизматларни ҳамкасблари ёрдамида ораста сақлашга ҳаракат қилди. Хар бир экилган да-

рахту гул-чечаклар унинг парваришида чаман ёзди, кўрганлар кўзини қувнатди. Кундуз Юсупова ва унинг ҳамкасблари ишга отланганларида ҳали эл уйкуда бўлади. Ширин уйкудан кечиб меҳнат қилиш, шаҳар покизалигига муносиб ҳисса қўшишнинг ҳам ўзи бўлмайди-да. Буниг учун бажараётган ишингга, одамларга, яшаётган жойингга меҳринг бўлакча бўлиши керак. Хозирда Кундуз Юсупова 80 нафар ходимга раҳбарлик



қилади. Пушкин ва Ҳабиб Абдуллаев шохкўчалари озодлиги, ободлиги, кўчалар билан чирой очини мана шу ходимларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Уларнинг хар бирига топшириқлар бериш борабора Кундуз Юсупова ёрдам ва маслаҳатларини ҳам аямайди. Кундуз Юсупова ва унинг ҳамкасблари ишга отланганларида ҳали эл уйкуда бўлади. Ширин уйкудан кечиб меҳнат қилиш, шаҳар покизалигига муносиб ҳисса қўшишнинг ҳам ўзи бўлмайди-да. Буниг учун бажараётган ишингга, одамларга, яшаётган жойингга меҳринг бўлакча бўлиши керак. Хозирда Кундуз Юсупова 80 нафар ходимга раҳбарлик

лиги барчамизни хушнуд этди, — дейди бошқарма бошлиғи Шавкат Файзиев. — Бу, албатта, жамоамиз аҳлининг меҳнатига берилган муносиб баҳо ҳам ҳисобланади. Унинг меҳнатсез ва рғли Жасурлар, набиралари беҳад шодланишди, Бобур маҳалласи аҳли эса чин дилдан муборақбод этишди. Негаки, Кундуз Юсупова — маҳалла фаоли, ўзи яшаётган 2-кўп қаватли уйда хотин-қизлар сардори, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси ўринбосари. Энг муҳими эса у барчасига бирдай улгурди: оилада меҳнатбон она ва буви, ишда меҳнатбон ва фуқаро ҳодим, маҳаллада аёлларнинг дардаш ва сирдоши. Шаҳримиз ободлигига ҳисса қўшар экан Кундуз опанинг дилда қанчалар Президентимизнинг «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган доно гаплари ўз муҳассамини топиб туради. Шарифа ИЛЕСОВА СУРАТДА: «Шухрат» медали соҳиби Кундуз Юсупова, Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Барча коммунал хизмат кўрсатувчи, таъмирлаш-қурилиш корхоналари, халқ таълими, урта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизматлари бўйича тайёрланган дастур бўйича тасдиқланган жадвалга кўра ишлар жадал олиб борилмоқда. Пойтахтимиз бўйича ўтган давр мобайнида бажарилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, йиллик режада кўрсатилган 96 та қозондан 89 таси капитал таъмирланди, бу эса йиллик режанинг 93 фоизини ташкил этади, шунингдек, 364 та қозонларни жорий таъмирлаш кўзда тутилган бўлса, хозирда улардан 260 таси таъмирланди. Буғунги кунга келиб, 70 километри иссиқлик тармоқларидан 48,2 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари мукаммал, 409,8 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларидан 354,2 километри жорий таъмирланди. Жумладан, 97 километр узунликдаги иссиқлик трассаларидан 93,9 километр узунликдаги ис-

Қиш тайёргарлигини ёқтиради

ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Хар бир фаслнинг ўзига хос фазилатлари борлиги ҳаммамизга аён. Шунингдек, уларнинг ўзгача юмушлари ҳам бисёр. Айниқса, шаҳар кўчасидаги 2004-2005 йил кузги-қишги мавсумда барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида хозирги кунда Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги «Республика иқтисодий тarmoқларини 2004-2005 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ва Тошкент шаҳар ҳокимининг тасдиқлаган дастури асосида иш юритилмоқда.

Қиш кувурларининг изоляциялари қайта тикланди, бу эса йиллик режанинг 97 фоизини ташкил этади. «Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси томонидан режада белгиланган 4,1 километр эскирган сув тармоқларидан 3,8 километри мукаммал таъмирланди. Йиллик режадаги 1506 та газ тасқимлаш пунктларидан 1208 таси тафтишдан ўтказилди. Бундан ташқари, уй-жой фон-

дунги кунгача 318427 квадрат метр томлар таъмирланди. — 73060 погон-метр девор тирқишлари таъмирланди. — 3742 та йўлак эшиклари таъмирланди ҳамда 11739 квадрат метр ромларга ойналар ўрнатилди. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан 43 та мактаб ва 61 та болалар боғчалари капитал ва 272 та мактаб ҳамда 440 та болалар боғчалари жорий таъмирланди. Соғлиқни сақлаш муассаларида ҳам ишлар жадал бормоқда, яъни бугунга қадар 31 та касалхона, 34 та поликлиника капитал ҳамда 8 та касалхона, 77 та поликлиника жорий таъмирдан чиқарилди. Қиш даврида қозонхоналарнинг узлуқсиз ва етарли даражада ишлаши учун 19,5 минг тонна мазут жамғарилган. Хуллас, бирлашма ходимлари ўз иммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда ва ўтган йилги нўхсон ва камчиликларни эътиборга олиб, мавсум хозирлигини барча имкониятларини ишга солган ҳолда олиб бормоқдалар.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛАДИ


Газетамизнинг 2004 йил 8 июль сонидан эълон қилинган «Исишини кутасиз» ҳамда «Ким айбдор?» мақолалари юзасидан мутасадди ташкилот «Тошсиссиқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси техник директори А.Валиев имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2004 йил 8 июлдаги сонидан эълон қилинган «Исишини кутасиз» мақоласига жавобан кўйидагиларни маълум қиламиз: Иситиш мавсуми оралиғида Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизими битта қувур бўйича, иссиқлик ташувчи муҳитнинг айланма ҳаракатсиз ишлаши, бу исстеъмолчиларни иссиқ сув таъминотидан ўчирмасдан иссиқ сув қувурларини навбатма-навбат таъмирлашни амалга оширишга имкон беради. Бирок, бунда иссиқ сув кам истеъмол қилинган даврда унинг совиб қолиши рўй беради ва крани биринчи бўлиб очган аҳоли исимаган сувни олади ва мўлжалдаги хароратдаги сув етиб келгунча сувни оқзиб қўйишга мажбур бўлади. Афсуски, хонадонларда ўрнатилган ҳисоблаш асбоблари сувни хароратига қараб ўлчаш имконини бермайди. Бирлашма истеъмолчиларимиз эътирозларининг бутунлай ҳаққонлигини тўшинган ҳолда, хонадонлардаги иссиқ сув ҳисоблагичларни кўрсаткичларига камайтувчи коэффициентни амалга киритиш лозим деб ҳисоблайди. Битта қувур билан ишлаш чоғида сувнинг совуб қолишини инобатга олунчи коэффициентни аниқлаш ҳақидаги илтимос билан биз «Иссиқлик электроник» ОАЖ институтига муро-

жаат қилдик. Институтининг иш натижалари бўйича аҳоли эътирозларини инобатга оладиган чора-тадбирлар кўрилади. Шунингдек, газетангизнинг шу сонидан чоп қилинган «Ким айбдор?» мақоласини муҳокама қилиб, бирлашма кўйидагиларни маълум қилади: Иссиқ сув таъминоти (ИСТ) ва иссиқликдан фойдаланганлик учун аҳоли томонидан ҳақ тўлашида вақтни тежаш ва қулайлик яратиш мақсадида, «Тошсиссиқуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар банкларининг бўлимлари билан шартномалар тузган. Булар «Тошкентпочтамти» ОТАЖ, АТ ЎзСКБнинг Тошкент вилоят миқтақавий шохобчаси, УзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, ЎзСКБнинг Тошкент шаҳар миқтақавий шохобчаси, ДА ЎзУЖБнинг Қорасув бўлими, ДА ЎзУЖБнинг Бош амалиёт бўлими, ДА ЎзУЖБнинг Ҳамза бўлими, ДА ЎзУЖБнинг Мирзо Улугбек бўлими, Халқ банкидир. Бундан ташқари, юқорида кўрсатиб ўтилган банклар ходимларини жалб қилган ҳолда турар жой мавзеларида кўча кассалар ташкил қилинмоқда. Шундай қилиб, аҳоли ИСТ ва иссиқлик учун тўловларни Тошкент шаҳрининг хоҳлаган туманидаги барча омонат кассаларида ва юқоридаги банкларнинг

почта бўлимларида амалга ошириши мумкин. Бирок, банкларнинг юқорида кўрсатилган бўлимлари тўловномаларни хар доим ҳам ўз вақтида «Тошсиссиқуввати» ИЧБга юбормайдилар, шу муносабат билан мақолада кўтарилган муаммолар пайдо бўлади. Бундай тўловномалар мавжудлиги ҳақида бирлашма ходимлари тўловларни айланиб текшириб чиқиш вақтида ёки мавжуд қарздорлик миқдори билан келишмаслик ҳақида улар мурожаат қилган ҳоллардагина биландилар. Банкларнинг бўлимларига мурожаат қилиш учун «Иссиқлик тарқатиш» бошқармасининг Миробод тумани бўлими ходимлари фуқародан сўраган тўловнома нусхаси керак бўлади. Фуқаро тўлаган тўловлар банк томонидан ўтказилгандан сўнг иссиқлик энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоблар қилишда у инобатга олинади. Мақолада ёритилган воқеалар бирлашманинг хар ҳафтада ўтказиладиган жамоа кенгашида муҳокама қилинди ва тегишлича баҳоланди. «Тошсиссиқуввати» ИЧБ томонидан ишлар сифатини яхшилаш ва ходимлар масъулиятини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар билан бир қаторда аҳолига хизмат кўратиш маданиятини оширишга доир ишларни давом эттириш лозимлиги шубҳасиздир.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР



Шаҳрин — фазрин

БАРЧАГА ЗАВК УЛАШМОҚДА

Пойтахтимиз чиройига ўзгача фэйз бағишловчи улкан фавворалардан бири Тошкент Халқаро аэропорти майдонида қад ростлаганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Унинг сўлим ва гўзаллиги, атрофга таралаётган заррин томчилари ҳамшаҳарларимизгаги-

на эмас, балки пойтахтимиз меҳмонларига ҳам завк улашмоқда. Албатта, унинг қад ростлашида бунёдкорларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак. Бундан мунтазам ишлашини таъминлаётган ходимлар ҳақида ҳам сўз юритиш ўринлидир. Фаввора наосслари оператори Мурод Сералиев унинг бир маромада отилиб туриши, кечаси эса камалак рангида товланиши, мусиқа ҳам чалиши учун ўз тажрибаларини ишга солса, чилангар Хикमत Шо-

холдаров фавворани сув билан таъминлашда бой маҳоратидан унумли фойдаланмоқда. Улкан фаввора ва унинг атрофидаги фавворачалар уларнинг меҳнатлари эвазига атрофга қўрқ, ташири буюрувчиларга завк улашмоқда. Дилноза ФИЁСОВА СУРАТЛАРДА: оператор Мурод Сералиев ўз ишининг устаси; фаввора жилоси.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Мўлоблар

ЭЪТИБОРСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИНГ

Куз ҳам кириб, эрталаб ва кечкурун унинг салқин эпкени этни бироз жунжитирадиган пайт ҳам келди. Албатта, кузнинг келиши эртанги қишдан дарак, барчамизни унга тайёргарлик қўришга ундайди.

Тараддуднинг эса ўзи бўлмайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарса маблағга боғлиқ-да. Шу боисдан ҳам аҳоли-истеъмолчилар томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланса, шаҳар кўчаларини мавсумга тайёрлаш борасида айрим муаммоларга ўрин ҳам бўлмайди. Негаки, носозликларни барқарор этиш, кишга тайёргарликни намунали ўтказиш учун эътиёт қисмларни сотиб олиш ана шу тўловларнинг маълум қисми ҳисобига амалга оширилади. Лекин айрим боқибегам ҳамшаҳарларимизнинг эътиборсизлиги, тўловларни пайсалга солиши бу ишга салбий таъсир этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу оилаб, йиллаб тўловларни бажармаётган истеъмолчилар нафақат ўзларига, балки кўни-қўшилари ҳам намунали хизмат кўрсатишига зарар етказмоқда. Иссиқ сув ва иссиқлик учун ҳақ тўламаётганлар Миробод туманида ҳам анчагина 4-Кўйлик мавзеси, 43-уй,

30-хонадондан Азизова бу борада «рекорд» натижага эга бўлди. Унинг 426 минг сўм қарзни тўламай юрганлиги етмагандай, «бугун-эрта» деб бошқарманинг хар кун овера қилматлар ҳақи ўз вақтида тўланса, шаҳар кўчаларини мавсумга тайёрлаш борасида айрим муаммоларга ўрин ҳам бўлмайди. Негаки, носозликларни барқарор этиш, кишга тайёргарликни намунали ўтказиш учун эътиёт қисмларни сотиб олиш ана шу тўловларнинг маълум қисми ҳисобига амалга оширилади. Лекин айрим боқибегам ҳамшаҳарларимизнинг эътиборсизлиги, тўловларни пайсалга солиши бу ишга салбий таъсир этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу оилаб, йиллаб тўловларни бажармаётган истеъмолчилар нафақат ўзларига, балки кўни-қўшилари ҳам намунали хизмат кўрсатишига зарар етказмоқда. Иссиқ сув ва иссиқлик учун ҳақ тўламаётганлар Миробод туманида ҳам анчагина 4-Кўйлик мавзеси, 43-уй,

дан Абдуллаева совук сув учун 52437 сўм, Тадбиркор кўчасидан Йўлдошев 70540 сўм тўловларни бажармаган. Чикиндиларни олиб чиқиб ташлаб, лекин унинг ҳақини тўламаётганлар ҳам ўз ишларини тарозига солиб кўришса яхши бўларди. Ахир уларни олиб кетиш, кўчаларни ораста сақлаш учун ҳам маблағ зарур-ку. Шайхонтоҳур тумани, Жарарик маҳалласи, Бокўча кўчаси, 100-уйдан П.Шоёнматов 74 минг сўм, Мушкин кўчаси, 228-уйдан С.Каримова 78 минг сўм, С.Раҳимов тумани, «Гузарбоши» маҳалласи, Хуррит кўчаси, 43-уйдан В.Ҳамидов 40500 сўм маиший чикиндилар ҳақини тўлашамаган. Бундайларнинг номини яна давом эттириш мумкин. Лекин мақсад уларни номаноман санаш эмас, эътиборсизликка чек қўйиш, қарздорлигини эслатиш, уни тўлашга даъват этишдир. Зори, қарздорлар ён-атрофдагилардан уялишиб, ўз мажбуриятларини бажаришса... (Ўз муҳбиримиз)

Дилдаги гашлар

ҲАРАКАТЛАРИМИЗ САМАРА БЕРМОҚДА

• Маҳбуба АҲМЕДНАЗАРОВА, «Скопде коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси: — Халқимиз бежизга «Ҳамжиҳатликда гап кўп» дейишмайди. Биз буну ўз меҳнат фаолиятимизда ҳам яққол кўриб турибмиз. Ширкатимиз битта тўққиз қаватли уйдан иборат бўлиб, унда 112 та хонадон аҳли яшайди. Ташкил топганимизга 2 йил тўлди. Бу орада анчагина ишларни амалга ошириб, уйимизнинг ҳолатини яхшилашга, ертўраларни тозалашга, юзага келган муаммоларни биргаликда бартараф этиш-


га эътибор қаратдик. Менимча ҳам, ширкатга аъзо бўлган хонадон эгаларининг фикрича ҳам ширкат раиси ва ходимларининг ўзлари ҳам шу уйда истиқомат қилишса, мақсадаги эришишда айни муддао бўлади. Ширкатнинг битта уйдан иборат бўлиши яшовчиларга ҳам, хизмат кўрсатувчиларга ҳам қўлай. Негаки, яшовчилар ўзлари тўлаётган пул — фойдаланиш харажатлари тўловини нимага сарфланаётганини кўриб туради. Ширкатда амалга оширилаётган барча ишлар уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда бажарилади. Унинг қандай бажарилиши эса ширкат аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ва саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Ширкатнинг энг муҳим хуесуияти

шундан иборатки, унда хар бир хонадон эгаси — мулкдор ўз фикрини ифода этиши, бошқарув ишларида фаол қатнашиши лозим. Яшовчилар ҳеч кимдан ёрдам кутмай, асосий қаракатини ўзлари қилмоғи керак. Хозирда бизнинг ширкат аъзолари буну яхши англашмоқда. Шу боис бўлса керак, яқинда ўтказилган ширкатлар ўртасидаги танловда ғолиб топилиб, 7 минг долларлик грантни қўлга киритдик. Бу, албатта, ҳамжиҳатлигимиз самарасидир. Яна энг муҳими, биз ходимларнинг барчаси билан шартнома асосида ишлаймиз. Аъзоларимизнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, ютиб олган маблағимизни ертўладаги муҳандислик-коммуникация тизимини тубдан таъмирлашга сарфлашни режалаштирдик.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

• Меҳриниса БОБОЕВА, фаррош: — Аёл Ҳамиша ўз уйининг саришта-син, дея таъриф берамиз. Бу эътибор эмас, албатта. Айниқса, маҳаллаларда, хусусий уйларида бу нарса яққол кўзга ташланиб, ҳовлию кўчаларнинг тоза ва озодлиги, гул кўчатларининг гуркираб ўсиб ётганлиги барчанинг кайфиятини кўтарди. Лекин пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларнинг ҳаммасида ҳам яшовчилар, айниқса оила бекалари саранжом-саришталликка, озодаликка эътибор қаратади, деб айта оламизми. Мен бир неча йиллардан буён ана шундай кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларини тозалайман. Ана шундай пайтда эрталаб бинода яшовчи аёлларнинг

ясаниб, ўзларига оро бериб ишга кетаётганининг кўп бора гувоҳи бўлман. Лекин шу нарсага ачинаманки, ўша аёллар яшаётган уйининг йўлакларидидаги бесаранжомликни, деворларда осилди ётган пўпанақларни кўрмаса? Наҳотки, ҳафтада бир мартагина шу жойларга ҳам эътибор қаратиш имкониятини топмасе? Кўнчилиқ хонадон эгалари эса баъзида соатлаб кўчада гаплашиб туришди, аммо йўлак тозалашга 5-10 дақиқа вақт тоза олишмайди. Ахир остонамиз тоза, озода бўлса, кўнглимиз ҳам шунга яраша пок, ишларимиз кўнгилдагидек бўлади. Шу уйда ўзимиз яшаймиз-ку, уни ораста сақласак, фарзандларимизга ҳам ўрнак бўлсак ён-атрофдагилар ҳам ана шунга ўрганишади. Шу боис ҳам кўп қаватли уйлардаги хотин-қизлар комиссиялари бу борада қайтуришлари керак.



Ҳилоҳ

ГУЛУ ГУЛЗОР КЎЧАЛАР

Пойтахтимиз кўчаларини айланар экансиз, бекиёз гўзалликдан завқланмай иложингиз йўқ. Минг хил рангда товланаётган (суратда) турфа гуллар, кўзни қувнатувчи яшил майсалар, шакл берилган дараклар раvon кўчаларга алоҳида фэйз бағишламоқда. Уларни ўтказишда, меҳр билан парваришда эса ободонлаштириш бошқармаси боғбону гулчиларининг хиссалари каттадир. Тошкентнинг боғу бўстонга, гуллар шаҳрига айланаётгани на-

фақат ҳамшаҳарларимизни қувонтирмоқда, балки хорижий меҳмонларни ҳам мафтун этмоқда.

ЁРУФ-ОЙДИН КЕЧАЛАР

Оқшомда пойтахтни кезгансизми? Тунлари осуда шахримиз кўчалари юз чандон чирой очиб кетади. Нурафшонлик қамраб олган кўчаю хизматлар, мухташам иншоотлар пойтахтимизга ажиб тароват, улкан салобат, ўқталмик бағишлайди. Баракали меҳнатдан кейин Тошкент оқшомлари фэйзидан бир зум бахра олсангиз, чарчоғингиз тарқаб, кайфиятингиз кўтарилиши, шубҳасиз.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАМ ҲАМ**  
*Домо бўлур...*

• Нодон дўстан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангалидан қочиб кутулмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўрқок, алдамчи дўстан душман афзал.

**КИССА.** Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик, озгин, нотавон махлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб, уни ҳам ҳалок этибди.

**КИССА.** Дўст танлашда шовилмаслик керак, аввал уни синая, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик илларини бевафоллик, ғаддорлик ботаси билан узанган. Илло, сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:

Кимки дўстликни хор айлабди, уни — Кисмат жазолагай —

чикиб тутуни.

• Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улўғ фазилат эканини биледи.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

**ХИКОЯТ.** Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хўнарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хўнар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

**ХИКОЯТ.** Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сенидошманам деб биламан. Ёлгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:

Гар чақимчи ўз ишидан урса дам, Кудратинг етса тилни қилгил қалам.

• Дилим ранжимасин десанг, ғийбатчи бўлма.

• Ғийбат — юракнинг безовта касали. У қалбимизни яралайдиган муҳдиш оғудир.

• Кишилар ҳаловатига ғийбатчиликдек зарар келтирадиган иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

**Тошкент шаҳрининг ҳарбий қисмларидаги ўқув машғулотлар марказида 2 та ҳарбий спорт оромгоҳлари ташкил қилинди.**

Ушбу оромгоҳларда пойтахтдаги ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилди. Жорий йилда бу каби оромгоҳларда 300 га яқин болалар ёғи таътилини ўтказди. Тошкент шаҳар «Камолот»нинг сардорлари эса таътил мавсумини қизиқarli ўтказиш мақсадида болалар ўртасида турли хил спорт мусобақалари ҳамда маданий талбирларни уюштирдилар. Ўсмирлар учун концертлар, шаҳар ташқарисига саёҳат, музейларга экскурсиялар ташкил қилинди. Шунингдек, ёшлар ўртасида ОИТС, гиёвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларида тарбиявий талбирлар ўтказилди.

\*\*\*

**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан олий ўқув юрти талабалари учун ёғи амалиёт ишлари ташкил қилинди.**

Ҳар бир ўқув юртида 15 кишидан иборат 2 та гуруҳ тузилиб улар пойтахтдаги махсус

белгиланган маҳалларда амалиёт ишларини ўтадилар. Ушбу акцияда Тошкентдаги

ҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақалари, театрлаштирилган томошалар ҳамда концер-

ти, Тошкент Давлат маданият институти талабалари фаол равишда амалиёт ишларини ўтадилар.

\*\*\*

**«Ободонлаштириш» номига олган акция эса 2004 йилнинг 1 майдан бошлаб ҳар жума кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда.**

Ушбу акцияда пойтахтдаги 253 та маҳалланинг болалари иштирок этдилар. Бу каби акцияни ўтказишдан мақсад, ёшларнинг ўзи яшаётган ҳудудни, маҳалла ва шаҳарни озода тутишдаги фаоллигини оширишдан иборатдир. «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтдаги 2000 га яқин болалар мазкур акцияда қатнашди.

Пойтахтдаги 27 та маҳаллада ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан 20 та олий ўқув юрти талабаларидан иборат «Ободонлаштириш талаба гуруҳлари» тузилиди. Ҳар бир гуруҳга бир нечта маҳаллалар бириктирилиб, улар ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Ушбу акцияда жами 600 нафар талаба иштирок этди.

**ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН ДАСТУРИГА КЎРА**



жами 96 та маҳалла иштирок этди. Талабалардан иборат ушбу ижодий гуруҳ, маҳалларда ёшлар билан терроризм, экстремизм, гиёвандлик ҳамда ОИТС мавзуларига қаратилган учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари ма-

тлар уюштирилди. Мазкур акция довомида Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат ислом университети, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент Давлат санъат институ-

Биргина сувнинг инфлосланиши билан боғлиқ ҳолатларни ўйлар эканмиз, кўз олдимизга беихтиёр долларб муаммо сифатида қуриётган Оролимиз келади. Айнан Оролнинг қуриши натижасида қанчадан-қанча инсонлар хасталанди, ногирон болаларнинг туғилиши ўсди. Қушлар, ҳайвонлар қирилиб кетди. Ҳавога тарқалган зарарли кимёвий моддалар бошқа инсонлар ҳаётига катта ҳавф солаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Аниқланишича, океанларнинг 200 метргача бўлган чуқурлигида жониворларнинг 59 фоизи, қолган пастки қатламларида эса 41 фоизи яшар экан. Завод ва фабрикалардан океанларга қўйилаётган чиқиндилар океан тубига чўкиб, қуйилмалар ҳосил қилиши натижасида денгиз ва океан жониворларининг юқори ва пастки қатламларида яшовчи ва жон сақловчи ҳайвонлари нобуд бўлар экан. Чучук сув захираларининг ҳам камайиб кетаётганини ҳозир бутун жаҳон биледи. Олимларнинг ва экологларнинг изланишларига қараганда, чучук сувнинг бекорга исроф қилиниши оқибатида унинг ҳавзалари камаяди ва 100 йилдан кейин чучук сув сотиладиган ҳолатгача келиши ҳам мумкин экан. Озон қатламнинг емирилиши ҳам ана шу муаммоларнинг янада кучайишига сабаб бўлаётганини барчамиз биламиз. Умуман олганда ва статистик маълумотларга қараганда озон қатлами қуёшдан келадиган ултра биенафша нурларини ушлаб қолишдан ташқари яна атмосферадаги инсон саломатлиги учун зарарли ҳисобланган бошқа нурларнинг ҳам 40 фоизини тўсар экан.

Чиқиндиларнинг ёш болалар ўйнайдиган жойларга, боғча ва мактаблар атрофига ташланиши, уларга бекорқ ҳолда қараб атроф-муҳитнинг тозаланишига эътибор бермаслик ҳам шулар жумласидандир. Одамлар орасидан чиқаётган ушбу

муаммолардан нафақат одамларнинг ўзлари, балки ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳам зарарланимоқда. Баъзиларининг турлари кескин камайиб «Қизил китоб»га ҳам киритилган.

лардан тортиб баланд қорли чўққиларгача, осмонўпар биналар қад кўтариб, ҳаёт қайнаб турган шаҳарлар-у гўё ҳаётсиз қуриинган жазира-ма қумли чўлларгача учратиш мумкин. Улар орасида мураккаб тузилган қушлар ва сүтэмизувчилар билан бир қаторда танаси фақат битта ҳужайрадан иборат бўлган кўз илғамас турлари ҳам кўп учрайди.

Мамлакатимиз дарё ва кўлларида балиқларнинг 70 га яқин тури, сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшовчиларнинг 3 тури, ҳужайралардан тортиб ҳашаротларгача бўлган хилма-хил гуруҳларни ўз ичига оладиган умуртқасиз ҳайвонларнинг минглаб турлари учрайди. Бепосн чўллар, дарё водийлари, улкан тоғ тизмалари ва воҳаларда судралаб юрувчиларнинг 60 га яқин тури, сүт эмизувчиларнинг 100 га яқин тури ва қушларнинг 400 дан ортиқ тури, 11000 турдан ортиқ ҳашаротлар, юзлаб ўргим-чаксимонлар ва бошқа ҳайвонлар тарқалган. Ўлкамиз тупроғи ҳам ҳайвонларга бой. Тупроқда ҳам бир ҳужайралар, чувалчанлар, ҳашаротлар, кўпоёқдилар, қисқичбақсимонлар ва бошқа ҳайвонларнинг хилма-хил турларини учратиш мумкин.

Ватанимиз ҳайвонот дунёси бутун Марказий Осиё ҳайвонот дунёси каби жуда қадимдан шаклланиб келган. Бир қанча турлар шу ернинг ўзига пайдо бўлган бўлса, бошқалари эса қўшни ҳудудлардан келиб қолган.

Ҳайвонлар инсон учун озиқ-овқат ва хом ашё манбаи ҳисобланади. Асаларилар асали мазасини татиб кўрмаган, тут ипак қурти ипагидан кийим киймаган кишини учратиш жуда ҳам қийин бўлганидек экологиямизнинг асосини ташкил этувчи табиат жонотлари инсоният учун ўта муҳим омиллардан бири эканини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Умида ЮЛЬЧИБОВА

*Табиаат ва инсон*

**ЭКОЛОГИК МУАММО: У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАЯПТИ?**

**Экологик шароит қадимдан ота-боболаримиз давридан турли хил фаразлар орқали белгилаб келинган. Инсон учун экология ва экология учун инсон ўта зарур эканини фан ҳам чучук изоҳлар орқали исботлаб берган. Инсоният ва экология узвий боғлиқ экан, узарни ер, осмон, ҳайвонот ва наботот олами бирлаштириб туради. Инсоният ўз манфаатлари ва эҳтиёжига қараб экологиядан фойдаланади: экология — яъни табиат ҳам инсониятдан ўзига бўлган катта эътиборни кутади.**

Ўрмонларнинг ёниб кетиши, келиши натижасида экологияга жиддий зарар етиб, кислоталарнинг камайиши натижасида касалликлар, вирусларнинг кенг тарқалишига, уларнинг кучайиб кетишига сабаб бўлаяпти ва атмосферада карбон ангидриднинг 0,02 фоиздан — 0,05 фоизга кўпайиб кетиши кузатиламоқда. 1980-йилларда Тожикистонда ишга тушган алюминий заводи ҳам атроф-муҳитга жиддий зарар етказаяпти. Йод танқислиги натижасида бўқоқ касаллиги ҳам кенг тарқалаёпти. Олимларнинг таъкидлашларича, ҳар йили атмосферага чиқариладиган чиқиндилар 4000 тоннани ташкил этар экан. Бундан ташқари автомобиль газининг ҳам экологияга анчагина таъсири бор, эколог олимларнинг айтишларича ёқилгиларнинг ёниши ва ёндирилиши натижасида 10,01 кислоталар сарф бўлар экан ва у ҳам юқоридаги фикрларимизга асосли равишда мисол бўла олади.

Ўлкамизнинг экологик мувозанатини сақлашга катта ҳисса қўшадиган табиати ниҳоятда жозибали, унинг ҳайвонот дунёси эса хилма-хилдир. Ҳайвонларни инсон қадами етган ҳамма жойда: гуллаб турган водий-

### ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Россияда содир этилган террорчилик ҳаракатлари кўпчиликини жиддий хавотирга солиб қўйди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бундай таҳдиднинг олдини олиш учун янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

24 август куни Россияда иккита йўловчи самолёт ҳалокатга учрагани АҚШ халқаро аэропортларидаги назорат тизимига таъсир кўрсатиши мумкин. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, АҚШ миллий хавфсизлик вазирлигининг (МХВ) транспортда хавфсизликини таъминлаш бошқармаси авиайўловчилар ва уларнинг юкларини қўл билан текширишига рухсат беришни сўраб ҳукуматга мурожаат этган.

МХВ вакилларининг фикрича, янги қоида қайтиш чип-тасига эга бўлмаган ёки тўловни нақд пул билан амалга оширган шахсларга нисбатан қўлланилади. Пластик ҳисоб карталаридан фойдаланган мижозларнинг шахсини аниқлаш мумкин бўлгани боис улар бундай текширувдан мустасно бўлади.

Канада ҳукумати ҳам террорчилик хавфидан ташишни яширмаяпти. Хавфсизликини таъминлашга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилаётир. Утган душанба куни муҳожирлик маҳкамаси мамлакат ҳудудига қираётган барча хориж фуқароларидан биометрик белгилар олишини маълум қилди.

«Канадиан пресс» ахборот маҳкамаси хабарига кўра, мамлакатда ҳар йили тахминан бир миллион кишидан биометрик маълумот олиш режалаштирилган. Бундан буён Канадага сайёҳлик, ўқиш ёки ишлаш мақсадида, шунингдек, доимий яшаш учун келган шахсларнинг визаларига уларнинг бармоқ излари ва фотосуратлари қўйиши керак. Хозир ушбу янги режа чегара хизмати агентлиги мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилаётир.

Канада ҳукумати келгусида ўзининг хориж сафарига кетаётган фуқаролари учун микросхемали янги электрон паспорт бериш режасини ҳам тасдиқлади. Улардаги кичик ҳажмли компьютер чиплари хотирасига ҳужжат эгасининг рақамли фотосурати, номи, туғилган вақти ва бошқа тегишли маълумотлар жойлаштирилади. Шунингдек, маъмурий органлар Канада фуқаролигини олиш истагида бўлган муҳожирларнинг биометрик кўрсаткичларини террорчиликда гумон қилинаётган, қидирувда бўлган шахсларники билан солиштириб ўрганиш дастурини ҳам ишлаб чиққан.

Японияда ҳам кўпоровчилик хавфининг олдини олиш муаммосига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат тегишли идораларга аксил-террор чоралари юзасидан ўз тақлифларини ишлаб чиқишга кўрсатма берди. Хуқуқ-тартибот органларининг ваколати кенгайтириладиган бўлди. Шунингдек, мамлакатнинг муҳожирлик тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиши мумкин.

УЗА

Қаёқдан ҳам борган эканман ўша ёққа!.. Айтишди-я, борма, оғриманган бошингни оғритма, деб! Мен аҳмоқ кўлоқ солмадим. Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир, дейишди-ку! Мен галварс бўлмасам... Ўзимга ўзим қўлдим, энди бир умрга пешонамга «тамга» босилди!..

Нимама кўп, дўст-ошнам кўп!.. Юртимизнинг исталган гўшасида топилади улар! Ҳаммаси бири-биридан антиқа! Ҳазилкаш, очик кўнгли, меҳмондўст, битта сўз оғзингиздан чиқди, дегунча шу заҳоти «естъ» қилишди.

Анчадан бери сурхонлик бир жўрам биз томонга ҳеч ўтмадингизда, обкетай, тандир каболлар еб, мазза қилиб дам олиб қайтасиз, деб жон ҳолимга қўймади-қўймади-да!.. Уртотимнинг сазаси ўлмасин, деб мен лаққа тушиб, жўнайверибман!

Айтишди-я, (ҳар ҳолда бошларидан ўтганда, бўлмаса айтишмасди) айниқса Шеробод, Бойсун томонларга ўта кўрма, деб. Мен содда бўлмасам, сўрамайманми нега деб?! Юр деса, кетаверибман индамай олдиға тушиб!

Келиб-келиб, мени меҳмондорчиликка тақлиф этган жўрам, Бойсуннинг ўзидан эди. Қандай қилиб унга сенинг Бойсунингга бормайман, дейман. Бунинг устига бормаслигимнинг сабабини ўзим ҳам бундод жяхи билмайман. Таваккал, бошга тушганин кўз кўра! Балки мени шунчаки йўлига оғохлантиришгандир, синаш учун!.. Нима, у ерда мени бўри ермиди?! Бирор қор-хол юз берса ёнимда ошнам турибди, менга ола қараганларнинг адабини шундай бериб қўйсинки, бу дунёга келганига ҳам минг пушаймон бўлсин?! Улар хали қаратқчининг зарбини еб қўришган-да, бир еб қўришсин, кейинги сафар уни кўрган-да юз қақирим наридан четлаб ўтадиган бўлишди.

Этиб бордик ўша Бойсун, деган жойига ҳам!.. Ана, меҳмондўстлик, мана меҳмоннавозлик! Бунақасини икки замондаям кўрмаганман! Шу бошлангандан-бошланиб кетса, денг! Жўрамнинг тошқандлик оғайини келибди, деб, ҳали буниси-хали унисси, шу десангиз судраб кетишяпти.

Кундуз билан кечанинг фарқига ҳам боролмай қолдим-ов!.. Ана тандир кабобу мана тандир кабобу сизга! Оғзингиздан ҳам, бурнингиздан

дан ҳам бўқанингизни ўзингиз сезмай қоласиз, фақат унинг маззасини эртасига тушуниб етгач, қайрилиб ҳам қарагингиз келмай қолади! Бунинг учун бу ерларга қоринга ўнта қоринни боғлаб бориш кераклигини англаб қоласиз. Гарчанд, биринчи ва иккинчи кунлари ҳаммаси сувдек кетган бўлса, учинчи кунга борганда гўштни кўрсам «вообше» кўнглим ағдариладиган даражага етганди.

Меҳмон отангдан улуг, деган гапнинг росмана тўғрилигини шу воҳада бошимдан ўтказдим.

Энди қайтайлик, деб қолсам бўладими, келиш — меҳмондан, кетиш — мезбондан, деб қани энди жавоб беришса!.. Навбатда турганлар ҳали кўп, тошқандлик меҳмон уйимиздан

сўнг нимага шайма қилганини билгач аввалроқ шу ерга келсак бўларкан-у, деб афсусланганим кейинчалик бурнимдан булоқ бўлиб чиқди.

Жўрамнинг ошнаси гапниям нақ қийворадиган хилидан экан. Кулавериб-кулавериб, қорим-у жағларим оғриб кетди. Унинг хонадонидан чиққандан кейин ҳам қоринимни ушлаганча қулгидан ўзимни тўхта олмадим.

Тошкентда мени бекорга оғохлантиришмаган экан! Энди англадим сабабларини, айниқса Шеробод, Бойсун томонларга ўта кўрма, дейишганда ана шуларни назарда тутиб айтган эканларда! Энди кеч бўлганди, «поезд» аллақачон кетиб бўлганди?! Уша ошнасининг уйига ки-

Орага оғир сукунат чўкди! Гапнинг оқими қаёққа қараб оғаётир, ҳамон анграйганча кўлоқ солиб ўтирган эдим, оғайним таништириб қолди.

— Исмат мерган, деган дехқон шу бўлади, Қилтирик, Қилтирик, шу киши бўладилар. Буни мен қўйганман, лекин лақабчиликда устаси фаранг бўлиб кетган бу киши, бу яқин ўртада унинг олдиға тушадигани топиламан керагов!..

Мен аҳмоқ бўлмасам, ҳай Исмат ака: менга ҳам бир лақаб қўйингчи, токим, мен бу лақабдан фахрланиб юрай, деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман!

— Исмингиз, кечирасиз нимаиди, ёдимдан кўтарилибди, узр? — деб сўраб қолди Исмат — Қилтирик! Қаёқдан ҳам исминини айтиб қолибман, шу заҳотиёқ лақабимни ёқамга ёпиштирса, денг: — Буни меҳмон қайтув дейди.

— Буни меҳмон қайтув дейди.

Бўлди қулги, бўлди қулги.. Уларга қўшилиб, ўзимам кузур қилиб роса қулсам бўладими. Бошида қулги билан ўтган нарса кейин ўзимга шунангичи наъша қилдики.. Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Шу-шу, қимсан, Еркул, энди Еркул Таймув бўлиб турибди-да!

Кетаётганимда кузатиб қоларкан, Исмат—Қилтирик, нима дейди денг:

— Меҳмон аша ҳафа бўлиб ўтирман, лақаб қўйиш «касалириг» ўзбек халқининг қонига она суги билан қирган.

Шундай қилиб, бўёғи қанчага тушиб турибди?! Еркул Таймув лақабини олиб, Тошкентимга қайтдим. Борди-ю Исмат-Қилтирик келиб, мени сўраб қолса, Тоймув-Паймувнинг билмаймиз, танмаймиз, деб қўя қолинг! Акс ҳолда сизга ҳам атаб қўйган битта-яримта лақабни кўзумчоқдек бўйингизга илиб кетиши ҳеч гапмас! Тагин ўзингиз биласиз, лақаб олгингиз келаётган бўлса... билмадим нима дейишга ҳам?! Кейинчалик (мен жўрамдан кўргандек) яна мандан кўриб юрманг!

Бўёғи қанчага тушганини кўрдингиз, эҳтимол, ҳаётимда энг унутилмас кун шу кун бўлиб қолар!..

Еркул Таймувнинг оғзидан чиққанларини битта қолдирмай ва қўшиб-чатмай шундайлиғича оққа қўчирувчи каминангиз

Миршароф МУХСИМОВ

## БУЁҒИ ҚАНЧАГА ТУШДИ?

(Ҳажвия)

бир пиёла чой ичмаса, хафа бўламан дейишадиганмиш!.. Ҳа, майли фақат бир пиёла бўлса, бир пиёла-да!

Келишдикми? Келишдик!.. Кириб ўтириб улгурмасдан бир тоғорада буғи кўтарилиб турган гўшт тайёр! Битта қоринга ошма оқват-а-?! Эртакча яна шу ахвол такрорланиб турибди-да! Яна бир ошнаси қўярга-қўймай хонадонга олиб кетди.

Охири, жўрам хафа бўлсам, бўлмасаям, иззатим битди, энди қайтсам, десам, майли, деди у, хотиржам бўлиб, фақат яна бир оғайим қолди, уникига шундай «ғирр» этиб ўтамиз-у, «эув» этиб оркага қайтамиз! Бормасак, кейин нақ менинг оёғимдан осади-я, деб қолди. Хозирча осмай турсин, борсак-борақолайлик, фақат узок ўтирмаймиз, тандир каболбия керакмас, илтимос, дедим-у, кўз ўнгимдан уюмуом пишган қўй гўштлири яна ўта бошлади.

Йў-йўк, деди ошнам ҳам менинг фикримни уққандек, мен ҳам жа тўйиб бўлдим, шунча еган-ичганларимизни бир ҳам қилиб келамиз, деб, мени хотиржам қилишга уринди. Унинг охири гапларига бошида унчалик эътибор бермаган эдим, кейин борганимиздан

риб борганимизда мезбон жўрасига «Ҳа, келдингми Юморонқозик!» деб қутиб олишини кўриб, намунча қўпол бўлмасам, деб турсам, жўрам ундан ҳам ўтиб тушди! «Ҳа, Қилтирик, ишлар қалай?» Сўрашининг ҳам сўрашиши бор! Қўпол ҳазилларинг курсин, деб қўйдим ичимда. Қилтирик қуйдирган қалладай иршайиб, жа ошириб юбормадиларми, деб ҳам қўйди. Бахона билан билиб олдим, жўрамнинг лақабни юморонқозик экан.

— Энди меҳмон, — деб қолди жўрамнинг ошнаси менга юзалиб, шу денг озиб-ёзиб биз томонларга Оқтошга бир келиб қолибсиз, бўш кетмангда, сизга ҳам бирор аталгани бордиров!..

Бошида, аввалига тушунмадим, нима демоқчи бу уй эгаси, деб. Уям гапини узокдан бошлаб қолди! — Бизнинг аҳоли орасида лақабсиз кишиларнинг ўзи бўлмаган. Бундай ҳолат, айниқса бахшиларимиз томонидан севиб қўйланадиган дostonларда ҳам исталганча топилади, — деди менга зимдан кўз қирини ташлаб, сўнг сўзида давом этди. — Ҳатто юрт катталари ҳам лақабдан қочиб қутула олмаган. Мен ўсиб-улгайган Оқтошда ҳам лақаб қўйиш удуми унутилмаган!

### Биласизми?

### РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРГАН ВЕЛОСИПЕДЛАР

Дунёда энг кичкина велосипеднинг гилдирагининг диаметри 1,9 сантиметр бўлиб, унинг ижодкори — конструктори австралиялик муҳандис Невилл Паттен 1988 йил 25 мартда қашф қилган ва у Гиннесснинг «Рекордлар китоби»га киритилгандир.

Франциялик муҳандис Жак Пуью тандем велосипедини қашф этган бўлиб, унинг узунлиги атиги 36 сантиметрнинг ташқил қилади. Бирок Жак Пуью умр йўлдоши билан унда маълум масофани босиб ўтиб, Гиннесснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

ришга муяссар бўлишган.

Дунёда энг улкан велосипед «франкестийл» русумидаги бўлиб, унинг гилдирагининг баланглиги 3,4 метр, диаметри 3,05 метрди. Унинг қашфётчис Дэйс Мур бўлиб, АҚШнинг Калифорния штатида 1989 йил 4 июнда бу улкан велосипедда Мурпаридан Роузид (Калифорния)гача бўлган масофани жаноб Стив Гордон босиб ўтган.

Шу ажойиб велосипед ва унинг ҳайдовчиси ҳам Гиннесснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

Энг улкан уф гилдиракли велосипедни Бей де Нок муниципал коллежининг 16 та иноқ, тасавури кенг талабалари АҚШнинг Эскабана штатида 1998 йили қашф эттишган. Олдинги гилдирагининг

диаметри 4,67 метр, орқа гилдирагиники 2,23 метр, баланглиги эса 7,13 метр-десан иборат. Дунёда ягона велосипед бўлгани учун ҳам Гиннесснинг «Рекордлар китоби»га киритилгандир.

Энг йирик йиғма велосипед чиқарадиган қорхона АҚШнинг Калифорния штатидаги «Багон Инкорпорейт» компанияси бўлиб, у 1982 йилдан бери сифатли, кўркам велосипедлар ишлаб чиқмоқда. Бу ерда 1,2 миллион дона йиғма велосипед, шунингдек, 400.000 та энг оммавий «Классик» модели машина ишлаб чиқарилиб, дунё бозоридан ном қозонгани учун Гиннесснинг «Рекордлар китоби» саҳифаларидан жой олган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ, халқ таълими фидойиси.

### Архив ҳужжатлари нима дейди?

### ТОШКЕНТДА ИЛК БОР...

- Ўғил ва қиз болалар бирга таълим оладиган биринчи мактаб Тошкентда 1866 йил 1 июлда очилган.
- 415 ўринли биринчи ҳарбий госпиталь Тошкент шаҳрида 1870 йили ташқил этилган.
- 1883 йил 21 декабрда маҳаллий хотин-қизлар ва уларнинг фарзандлари учун биринчи амбулатория ишга тушган.
- 1901 йили Тошкентда биринчи трамвай йўлга қўйилган. 1912 йилга келиб «Тошкент трамвайи»да 230 та от ва 30 та вагон бўлиб 170 киши хизмат қилган.
- 1905 йилда Тошкентда керосинли фонарларни ишлатиш урф бўлган.
- 1908 йили Тошкентда биринчи манзил столи ташқил топган. Бу вақтга келиб Тошкент шаҳри аҳолиси 200 мингдан зиёд бўлган.
- 1908 йил 21 декабрда Тошкент шаҳрида илк марта бутун Туркистон бўйича мактаб ёшдаги болалар рўйхатга олинган.
- Шаҳарда велосипед миниш 1912 йилга келиб урф бўлган.
- 1918 йилда Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи мусиқа ўқув юрти очилган.

Лола АРИФЖОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви бўлими мудир.

**Спорт**

**ШАҲРИМИЗ  
ВАКИЛЛАРИ  
ГОЛИБ**

Тошкентда велоспортнинг трек тури бўйича Республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг олти вилоятдан ташриф буюрган қирққа яқин ёш велопоёғачилар биринчилик голиблиги учун мурасасиз кураш олиб бордилар. Улар олимпия дастурига кирган бешта йўналиш бўйича ўзаро кураш олиб бордилар.

Натижалар сарҳисоб қилинганда 1986-1987 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ҳамшаҳримиз Вадим Шаехов ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олганлиги қайд этилди.

1990-1991 йилларда туғилган ўсмирлар баҳсида эса пойтахтимиз вакиллари Тимур Сайфутдинов, Денис Тихомиров ва Дмитрий Маликовларга тенг келадиганлар топилмади.

**ШАХМАТ  
УСТАЛАРИ  
БЕЛЛАШДИ**

Республика шахмат-шашка клубида Ўзбекистоннинг биринчи гротмейстери Георгий Ривчинов хотирасига бағишланган шахмат мусобақаси ўз поёнига етди.

Швейшарча услубда 9 тур давом этган турнирда республикамизнинг юздан ортиқ шахматчилари галаба учун кураш олиб боришди.

Шундай қилиб, чиройли дона сурган, 9 имкониятдан 8,5 очко жамгарган хоразмлик Руслан Ниёзметов мусобақа голиби сифатида бош соврин билан тақдирланди.

Ушбу турнирда ҳамюртимиз Алексей Яшин 6,5 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

**«ТРАКТОР»  
ЖАМОАСИ —  
ҚОЗОҒИСТОНДА**

Ўзбекистон Кубоги финалига йўллама олган, ўйини тобора очилиб бораётган шахримизнинг «Трактор» жамоаси Қозоғистонда ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Шуни айтиш керакки, Тороз шаҳрида «Трактор» билан учрашувга байрамона тарзда тайёргарлик қиришди. Фақат «Тороз» билан ўтказилган ўйинда И.Мўминжонов, Д.Ўрмонов каби етакчи ўйинчилар жамоа таркибид бўлмаганлиги «Трактор»га панд берди. Зеро, қизиқарли ўйинда Мочинов киритган икки тўп мезбонларга 2:0 ҳисобида галаба келтирди.

(Ўз мухбиримиз)

Шаҳримиздаги барча олий ўқув юрталаридан талабалар тенгдошларини кутиб олиш учун Тошкент шимолий вокзалига тўпланишди. Кўнгиллардаги шодлик ва дийдорлашув они хурсандчилигига қарнай-сурнай садолари янада кўтаринкилик бағишлади. Белгиланган дақиқаларда универсиадачиларимиз чиққан поезд вокзалга келиб тўхтади. Барчанинг юзларида ҳаяжон. Тўрт кун давом этган мусобақалардан сўнг бироз ҳорғин кайфиятдаги ёш спортчиларимиз тенгдошларининг ўзгача таралудидан яйраб кетишди. Медаллар шодаси билан қайтишган талабаларимизни суҳбатга тортдик.

Улуғбек ИКРОМОВ, Ўзбекистон Миллий университети талабаси, қўл тўпи бўйича олтин медаль соҳиби:

— Мен бу спорт ўйинларида ҳар йили қатнашиб келаман. Самарқандда бўлиб ўтган бу йилги «Универсиада—2004» бизга омад келтирди. Майдондаги рақибларим эса ҳаётдаги дўстларимга айланишди.

спорт ўйинларида яхши натижани қўлга киритдим, очиқ юз билан шахримга қайтдим.



Кеча «Универсиада—2004» спорт ўйинлари иштирокчилари, шахримиз шаънини ҳимоя қилган ёш спортчиларимиз улкан муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда қайтиб келишди.

«Универсиада—2004»

**КЕЛГУСИ  
ТАЛАБАЛАР ЎЙИНИ  
МЕЗБОНИ — ТОШКЕНТ**

Екатерина АБЛАЕВА, «Зулфия» мукофоти совриндори, сузши бўйича кумуш медаль соҳиби:

— Самарқанддаги улкан стадионда ўтказилган мусобақаларда назаримда бутун Ўзбекистон ёшлари тўпланишгандек бўлди. Барча ёшларимизни бирдамликка чорловчи бундай

Зебо ШАРИПОВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси, қўл тўпи бўйича бронза медал соҳиби:

— Бу мусобақаларда кўплаб дўстлар орттирдим. Тенгдошларим маҳоратларига қойил қолиш керак, албатта. Келгуси йил уларни шахримизда мезбон

бўлиб кутиб олиш бизга топширилди. Келажакда ана ўз устимда ишлаб, бундан яхши натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

— Ўн беш минг томошбинни ўз бағрига олган «Дербен» стадионидан бўлган мусобақаларда барча ёшларимиз ўз маҳоратларини намойиш эта олдилар, — дейди жумладан Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходими Оқилжон Абидов. — Спортнинг 14 тури бўйича бўлиб ўтган мусобақалар якунида етакчилар сафидан бўлган «Тошкент-1» жамоаси, Самарқанд вилояти терма жамоаси ҳамда Наманган вилояти спортчиларига Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси ҳамда медаллар ва 1-2-3-даражали дипломлар топширилди. Ёшларимизни бирдамликка чорловчи «Универсиада» мусобақаси иштирокчиларига келгусида ҳам омадлар ёр бўлсин.

Орзугул РУСТАМОВА

*Шахмат оламида*

**ОЛТИН ЎЙИН**

1450 йилда Аугсбург шаҳрида (Германия) доминиканлик руҳоний Иоханнес Ингольднинг «Олтин ўйин» китоби нашр этилди.

Муаллиф унда қизиқарли етти ўйин ҳақида мулоҳаза юритиб, «Олтин ўйин» — шахматни улarga қарама-қарши қўйиб, у одамда ақлий кучни кучайтиришини таъкидлайди.

**ҲУЖУМКОР  
ҲИМОЯЧИ**

Инглиз мастери Жеральд Абрахамс (1907 йилда туғилган) ўзининг қобилиятли одам эканлигини исбот этди.

Аслида адвокат бўлган бу киши ҳуқуқшунослик, фалсафа, психология (шу жумладан шахмат руҳияти)га доир катор китоблар ёзди, кучини бадиий адабиётда синая кўрди. Унинг ижодий фаолияти 30-йиллар охирида айниқса кенг шаклланди. Бу даврда, шахмат комюсларидан бирида таъкидланишича, Абрахамс «Буюк Британиянинг ажайиб ҳужумкор ўйин-

чиси сифатида ўзини кўрсатди. У ўшанда бир неча оғир суд жараёнида ҳам голиб чиқди».

**АДМИРАЛ  
КУНДАЛИГИ**

Британия адмирали Жорж Бинг (1663-1733) Англиянинг йирик денгиз саркардаларидан биригина эмас, балки Европанинг ўз даврининг кучли етакчи ўйинчилари билан муваффақиятли беллашган шахматчиси ҳам бўлган.

1720 йил 19 октябрда у ўз кундалигига шундай деб ёзган: «Шахмат фақат қизиқарли ўйингина эмас, балки ҳаётий ҳаракатларингизга доноларча раҳбарлик қилиш ҳамдир. У зўр иродали бўлиш, сабр-тоқатингни исботлаш, аниқ ва тўғри ҳисоб юритиш, зарур бўлган вазиятларда омад кулиб боқишига умид қилиб ўтирмагликни ўргатади».

**МОТ ҚИЛ-ДА  
ЖЎНАБ ҚОЛ**

XVI аср охири ва XVII аср бошида ашаган инглиз шоири Николас Бретон шеърларидан бирида куч-


сиз рақиб билан шахмат ўйнаётган пайтда унга танбэх бермаслик кераклигини таъкидлайди.

Негаки, у шахмат доналари ўрнига шамширни усталик билан ишлатиш маҳоратига эга бўлиши мумкин.

«Шунинг учун ҳам, — дейди Бретон, — ўзингни камтарона тутиб мот қил-да, тез жўнаб қол».

**Анвар ИНОҚОВ,  
шахмат шарҳловчиси.  
МАХОРАТИНГИЗНИ  
СИНАБ КЎРИНГ**

- 1) Икки юришда мот.
- 2) Икки юришда мот.



*Қаҳқаҳа*

Бир тантанادا америкалик сармоядор чуқур хаёл суриб ўтирган Бернард Шоу билан учрашиб қолди.

— Мистер Шоу, мен нимани ўйлаб ўтирганингнизи билиш учун бир доллар тўлашга розиман, — дея хитоб қилибди у.

— Э, менинг ўйларим бир долларга ҳам арзимайди, — дебди машҳур драматург.

— Айтақолинг энди, — қистаб қўймабди сармоядор.

— Сиз ҳақингизда ўйлаётганим, — дея жавоб берибди Шоу.

Сукротдан шогирдлари сўрашибди:

— Кўнгилдагидек ниҳоят учун қандай шартлар зарур?

— Бунинг учун икки нарса зарур, — дебди Сукрот, — Эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.

Энрико Ферми Италия академиясининг аъзоси эди. Академия мажлислари доим қирол саройида ўтар ва даббала бўларди. Бир

куни Ферми мажлиста кечикиб қолди, кичкинагина «Фиат»ини миниб, бир ўзи саройга келди. У кўринишдан «машҳур профессор Ферми»га ўхшамас, шошиб отланганидан кийимлари ҳам жўнгина эди. Бу аҳволда соқчи саройга қўймаслигини ўйлаб, у қувлик қилди:

— Мен профессор Ферми жаноиб олийларининг ҳайдовчиси бўлман, киришга рухсат этинг! — деди қўз туриб. Соқчи тавозе билан ижозат берди.

Альберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг фильмларини яхши кўрар, бу актёрга ҳурмат зўр эди. Бир куни у Чаплинга хат ёзди:

«Сизга қойилман, «Олтин васваси» деган фильмнгнизи дунёдаги барча кишилар тушунадил, сиз келажакда буюк одам бўласиз, Эйнштейн».

Ҳалемай жавоб келди: «Мен эса сизга минг марта қойил қоламан. Сизнинг нисбийлик назариянгнизи жаҳонда камдан-кам киши тушунадил, лекин барибир сиз улуг одамсиз, Чаплин».



— Нима қиляяпсиз амаки?  
— Тарвузни шиширайяпман...

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

затлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
2812 нусxada босилди. Қоғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатли олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашригизни бериб масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтамитга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.